

№ 12		Марказий таъмирлаш устахоналарида	
МАЪРУЗА МАВЗУСИ:		бажариладиган иш турлари хажмини аниқлаш	
МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ			
Маъруза учун ажратилган соат-4 соат		Маърузада иштирок этадиган талабалар сони-__ нафар	
Маъруза машғулотини режаси:		Таъмирланадиган маҳсулотларга қўйиладиган умумий техник талаблар Таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналарининг абсолют техник – иқтисодий кўрсаткичлари Хўжалик устахоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари	
Мавзунинг мақсади:		Машина ва жиҳозларнинг деталларини пластик деформация усулида тиклаш технологик асослари назарий жихатдан тушинтириш.	
Педогогик вазифалар: Таъмирланадиган маҳсулотларга қўйиладиган умумий техник талаблар Таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналарининг абсолют техник – иқтисодий кўрсаткичлари Хўжалик устахоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари		Ўқув фаолиятини натижалари: Талаба: -Таъмирланадиган маҳсулотларга қўйиладиган умумий техник талабларга эга бўлади -Таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналарининг абсолют техник – иқтисодий кўрсаткичларини назарий тушинади. -Хўжалик устахоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан танишади	
Маърузани ўтказиш услуби:		Мавзу мазмунидан келиб чикиб, талабаларни тарқатма материаллардан олган билимлари асосида мунозара, баҳслар ташкил этиш, умумий хулоса чиқариш билан мақсадга эришиш.	
Техник услуби ва воситалар:		Тарқатма материаллар, видеоленталар, кадаскоп ёки компьютер техникаси.	

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-БОСҚИЧ, Кириш (10 мин.)	1.1.Маъруза мавзуси, мақсади ва белгиланган асосий вазифалар тушинтириб ўтади.	1.1. Тинглайди, ёзиб олади.
2-БОСҚИЧ, Асосий (60 мин.)	2.1. Талабаларни ўтилатган мавзуни амалий аҳамиятини ҳамда уларни қизи-	2.1.Тинглайди, амалий аҳамияти ҳақида ўз

	<p>кишини орттириш мақсадида савол-жавоблар ўтказди:</p> <p>Таъмирланадиган маҳсулотларга қўйиладиган умумий техник талаблар тўғрисида тушунчаларни тушунтиринг?</p> <p>2. Таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналарининг абсолют техник – иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида тушунча беринг?</p> <p>3. Хўжалик устахоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида тушунча беринг?</p> <p>2.2. Визуал материаллардан фойдаланган ҳолда мавзунинг асосий қисмини тушинтиради:</p> <p>2.3. Талабаларга асосий мавзу ҳақидаги маълумотларни ёзиб ҳамда схемаларни чизиб олишини таъкидлайди</p>	<p>фикр мулоҳазаларини билдиради.</p> <p>Жавоб беради ҳамда тўғри жавобни аниқлайди.</p> <p>2.2. Схемалар чизиб, асосий маълумотларни ёзиб олади.</p> <p>2.3. Тушинмаган қисмлари бўйича саволлар бериб, мавзу ҳақида умумий маълумотларга эга бўлади.</p>
<p>3-БОСҚИЧ, Яқуний (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди, талабалар эътиборини асосий мавзуга қаратади. Маърузада фаол иштирок этган талабаларни белгиланган тартиб асосида баҳолайди.</p> <p>3.2. Талабаларга мустақил ишлаши учун вазифа: «Хозирги кундаги сервис тизими ҳақида маълумотлар тўплаш».</p>	<p>3.1. Тинглайди, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Берилган топшириқни ёзиб олади.</p>

Умумий тушунчалар

Мавзунинг ёритиш учун асосий калит сўзлар

1. Таннарх. 2. Самардорлик. 3. Фонд.
4. Харажат 5. Иш хақи. 6. Ремонт тури.
7. Ишчилар. 8. Майдон

МТУнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Таъмирлаш устахонасининг асосий фондлари, таъмирлаш таннархи, меҳнат унумдорлиги, капитал маблағларни қопланиш муддати, корхонанинг рентабеллик даражаси ва бу асосида лойиҳани иқтисодий самардорлиги аниқланади. Аниқланган натижалар асосида лойиҳаланаётган устахона ва хизмат қилаётган устахона кўрсаткичлари солиштирилади.

Устахона ишлаб чиқариш фондлари қийматини аниқлаш.

Таъмирлаш корхонасининг асосий ишлаб чиқариш фонди қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$C_a = C_u + C_{\text{ж}} + C_m$$

бу ерда:

C_u -ишлаб чиқаришдаги иморатларнинг қиймати, сўмда;

Сж-мавжуд жихозлар баҳоси, сўмда;
Сн-баҳоси 1000 сўмдан юқори, хизмат муддати бир йилдан ортик
бўлган мослама ва асбоб-ускуналар қиймати сўмда.

Янги таъмирлаш устахонаси лойихаланаётганда асосий ишлаб чиқариш фонди қийматлари қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$C_u = C_i \cdot F_n$$

бу ерда:

C_i -ўртача бир m^2 юзага тўғри келган ишлаб чиқариш воситалари қиймати, сўмда;

F_n -ишлаб чиқариш майдони ҳажми, m^2 .

Ўрнатилган жихозлар, мосламалар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар нархлари қуйидагича аниқланади:

$$C_{ж} = C_{ж} \cdot F_n \quad C_{м} = C_{м} \cdot F_n$$

бу ерда:

$C_{ж}$; $C_{м}$ -ишлаб чиқариш майдонининг бир m^2 юзасига тўғри келадиган жихоз, мослама ва асбоб ускуналарнинг дастлабки қиймати, сўм/ m^2 .

Ушбу кўрсаткичлар қиймати хўжалик марказий таъмирлаш устахоналари учун қуйидагича бўлади

$$C_i=21000 \text{ сўм}/m^2; C_{ж}=225 \text{ сўм}/m^2; C_{м}=75 \text{ сўм}/m^2.$$

МТУ да бажариладиган таъмирлаш таннархини режалаштириш.

Хўжалик марказий таъмирлаш устахоналари ўз махсулотларини ташқарига сотмайди. Шунинг учун улар томонидан бажариладиган ишлар таннархини аниқлашда шу ишлар учун кетган бевосита сарфлар, ҳамда умум ишлаб чиқариш сарфлар ҳисобга олинади. Бунда таннархни ҳар бир мар-кадаги машина, техник хизмат ёки таъмирлаш тури учун алоҳида- алоҳида ҳисоблаш мумкин. Ҳисоблашларда унча катта аниқлик талаб қилинмагани учун келтирилган таъмирлаш бирлиги учун таннархни аниқлаш тавсия этилади. Бунинг учун бажариладиган жами меҳнат сарфини ТТЗ-100 тракторининг жорий таъмири бирлигига келтирилади ва йириклашган таннарх қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади

$$C_{тн}=C_{иш}+C_{эк}+C_{рм}+C_{ус}$$

бу ерда:

$C_{иш}$ -иш ҳаққи, сўм;

$C_{эк}$ -эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ва бошқа корхоналар хизмати сарфи, сўм;

$C_{рм}$ - ремонт материаллари сарфи, сўм;

$C_{ус}$ - умумий ишлаб чиқариш сарфлари, сўм.

Устама сарф ТТЗ тракторларининг жорий таъмири учун қуйидагича берилган $C_{ус}=0.65 \cdot C_{тн}$. Агар бу жорий таъмирлаш қимматини ўз ўрнига қўйсак таннарх қуйидагича бўлади:

$$Стн(ттз) = \frac{1}{0,35} (Сих + Сэх + Срм)$$

Ишчиларнинг умумий иш ҳаққи

$$Сих = Сах + Ски + Сс$$

Бу ерда:

Сах-ишчиларнинг асосий иш ҳаққи;

Ски-ишчиларнинг қўшимча иш ҳаққи (асосийга нисбатан 8-10% олинади);

Сс-социал суғуртма учун ажратма, асосий ва қўшимча иш ҳаққининг 4.4 % ташкил қилади.

$$Сах = 0,01 \cdot T_{ттз-100}^{жр} \cdot Сур \cdot Кк$$

бу ерда:

$T_{ттз-100}$ - ТТЗ-100 тракторининг жорий ремонт учун белгиланган меҳнат сарфи, киши-соатда;

$Сур$ - машина ремонтда қатнашувчиларнинг ўртача иш разряди учун тўланадиган ҳақ,сўмда;

$Кк=1.025-1.03$ - белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлагани учун тўланадиган қўшимча ҳақни ҳисобга олувчи коэффициент.

$$Сур = \frac{C_1 \cdot P_1 + C_2 \cdot P_2 + \dots + C_6 \cdot P_6}{P_1 + P_2 + \dots + P_6}$$

бу ерда:

$P_1; P_2; \dots P_6$ - МРУ да ишловчи биринчи, иккинчи, учунчи, ўртинчи, бешинчи, олтинчи разрядли ишчилар сони;

$C_1, C_2, \dots C_6$ - ҳар бир разрядли ишчини бир соати учун белгиланган иш ҳаққи;

МРУ да бажариладиган иш турлари учун керакли бўлган асосий ва ёрдамчи ишчилар малакаси 1 жадвалда келтирилган.

1-жадвал

МТУ да ишловчи асосий ва ёрдамчи ишчиларни малакалари бўйича тақсимлаш

Разряд (малака) номерлари	1	2	3	4	5	6
Разрядларни тақсимланиши, %	4	9	36	41	7	3
Ҳисоб бўйича ҳар бир разряддаги ишчилар сони						
Ҳар бир разряд бўйича қабул қилинган ишчилар сони						
Тариф бўйича разрядларга тўланадиган иш ҳаққи, сўмда	73	79,5	86,4	95,5	112	125

Бу жадвални учунчи қаторини тўлғазиш учун 1-разрядли ишчилар сони $P_1=4/100 \cdot P_{руй}$ бўлади. Бошқа разрядли ишчилар сони ҳам шу усулда аниқланиб 3-қатор тўлғазилади. 4-қаторни тўлғазиш учун 3-қатор сонлари йиғиндиси ҳар хил бутун сони ҳолига келтирилиши керак.

Таъмирлаш таннарини ташкил қилувчи бошқа кўрсаткичлар ТТЗ трактори жорий таъмири учун қуйдагича белгиланади.

$$C_{\text{эк}}=120000 \text{ сўм} \quad C_{\text{рм}}=15200 \text{ сўм}$$

Юқорида берилган қийматлар асосида ва берилган тенгламалар ёрдамида ТТЗ-100 тракторининг жорий таъмири таннархи режалаштирилади.

Хисоблаб топилган жорий тоаъмирлаш таннархи лимит бўйича кўрсатилган таннарх билан солиштирилиб, ишлаб чиқилган лойихага баҳо берилади. Масалан, ТТЗ тракторларининг хўжалик шароитида жорий таъмирлаш 63000 сўм атрофида бўлиши керак.

Лойихани асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

1) Устахона томонидан бир йилда бажариладиган иш хажми:

а) шартли таъмирлашда

$$W = \frac{T_{\text{мпу}}}{300}$$

б) ТТЗ-100 трактори жорий таъмирга келтирилган таъмирлашлар сони

$$W_{\text{ккел}} = \frac{T_{\text{мпу}}}{170}$$

2) МПУ томонидан йил давомида ишлаб чиқилган маҳсулот хажми, сўмда

$$П_{\text{кел}} = W_{\text{кел}} \cdot C_{\text{тн}}$$

3) МПУ нинг 1 метр квадрат фойдали майдонида ишлаб чиқилган маҳсулот, сўм/м²

$$П_{\text{ф}} = \frac{П}{F}$$

Бунда : F - МПУ фойдали майдонининг юзаси, м²

4) МТУ да ишловчи битта ишчи сонидан йил давомида ишлаб чиқиладиган маҳсулот қиймати, сўмда;

$$П_{\text{ишчи}} = \frac{П}{P_{\text{руй}}}$$

5) МТУ томонидан олинган йиллик иқтисодий самара

$$Й_{\text{и}} = (B_{\text{ТТЗ-80}}^{\text{й}} C_{\text{ТТЗ-80}}^{\text{жр}} - C_{\text{тн}}^{\text{ТТ-80}}) \cdot W_{\text{кел}}$$

бу ерда:

$B_{\text{ТТЗ-80}}^{\text{й}}$ - ТТЗ-80 тракторига режалаштирилган йиллик иш хажми, мото соат;

$C_{\text{ТТЗ-80}}^{\text{жр}}$ $C_{\text{ТТЗ-80}}^{\text{жр}}$ ТТЗ-80 тракторининг бир мото-соат давомида бажарган иши учун ажратиладиган маблағ, сўмда.

б) МТУ курилиши ва жихозланиши учун бўлган сарфларни қопланиш муддати норма бўйича 7 йил

$$K_{\text{в}} = \frac{C_{\text{а}}}{Й_{\text{и}}}$$

Хулоса

Корхонани техник – иқтисодий кўрсаткичларини хисоблаш учун устахона ишлаб чиқариш фондлари қийматини аниқланади. МТУ да бажариладиган таъмирлаш таннархини режалаштирилади, МТУ да ишловчи асосий ва ёрдамчи ишчиларни малакалари бўйича тақсимланади, Лойихани асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқланади.

Назорат саволлари

1. Корхонани техник – иқтисодий кўрсаткичлари қайсилар.
2. Устахона ишлаб чиқариш фондлари қиймати қандай аниқланади
3. МТУ да бажариладиган таъмирлаш таннархини қандай режалаштирилади,
4. МТУ да ишловчи асосий ва ёрдамчи ишчиларни малакалари бўйича қандай тақсимланади,
5. Лойихани асосий техик иқтисодий кўрсаткичлари қандай аниқланади.